

“O‘zenergosotish” aksiyadorlik jamiyati

Ягона таъсисчисининг

7 - сонли қарори

2024 йил 20 август

Тошкент шаҳри

“O‘zenergosotish” AJ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги ПФ-166-сонли Фармони асосан ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Жамиятнинг Ягона таъсисчиси ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

**1. “O‘zenergosotish” AJ фаолиятини йўлга қўйиш учун Жамият томонидан тузиладиган йирик битимларни кўриб чиқиш тўғрисида.**

**Кун тартибидаги масала юзасидан:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги ПФ-166-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 24 ноябрдаги 1-сонли қарори билан “O‘zenergosotish” AJ ташкил этилган. Шу билан бирга Жамиятнинг амалдаги уставига кўра, “O‘zenergosotish” AJнинг устав фонди миқдори 176,57 млн сўм этиб белгиланган ва ҳозирги кунда Жамиятнинг соф активлари миқдори ушбу суммани ташкил қилади.

Шунингдек, мазкур Фармонга биноан “O‘zenergosotish” AJ Тошкент шаҳри Осиё кўчаси 42-уй манзили бўйича жойлаштирилиши белгиланган. Бироқ ушбу манзилдаги бино ва иншоотлар “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” AJга тегишли бўлиб, мазкур Жамият тарафидан “O‘zenergosotish” AJ учун ажратиб берилган майдонларда (хоналарда) ҳозирда “O‘zenergosotish” AJнинг 25 та (41 фоиз) ходими жойлаштирилиб, қолган 35 та (59 фоиз) ходимларни иш жойлари билан таъминлаш учун бўш хоналар мавжуд эмас. Бу борада “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” AJ билан бир қатор музокаралар олиб борилганлигига қарамай мазкур Жамият раҳбарияти томонидан 09.07.2024 йилдаги 01-02-09/3472-сонли хат билан бошқа қўшимча бўш майдонлар йўқлиги маълум қилинган. Шу боис ҳамда “O‘zenergosotish” AJга юклатилган вазифаларни бажариш ва Жамиятнинг тўлақонли фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида “O‘zenergosotish” AJ учун бошқа манзилдан ижарага жой олиш масаласи ўрганиб, чиқилди. Бунда, кўрсатиб ўтиш жоизки, Жамиятнинг амалдаги соф активлари миқдори нисбатан кичик суммани ташкил этгани сабабли, ижарага берувчилар томонидан тақдим этилаётган ижара шартномалари суммалари Жамият учун йирик битим таснифига тушиб қолмоқда.

Шу билан бирга, “O‘zenergosotish” AJ ижро органи аъзолари ва ходимлари корхонанинг функционал мансублигидан келиб чиқиб тегишли Вазирлик ва идоралар томонидан турли мажлис ва музокараларга жалб этилмоқда ва баъзан кун давомида бир неча манзилларга боришга тўғри келмоқда. Бундай тадбирларда давомий равишда ва ўз вақтида иштирок этиш учун Жамиятга бир неча хизмат автомобилларини харид қилишга эҳтиёж мавжуд. Бунда, кўрсатиб ўтиш жоизки, корхона фаолияти учун автомобилларни харид қилиш шартномалари ҳам Жамият учун йирик битим таснифига тушиб қолмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 10 июндаги 03/103-28-сонли топшириғига ва Бош вазир ўринбосари Ж. А. Қўчқоров томонидан тасдиқланган “Энергетика ислохотлари учун инновацион

углерод ресурсларини кўллаш” (ICRAFT) лойиҳасининг 2024 йилдаги асосий йўналишлари ва 1-транш доирасида уларга ажратиладиган маблағлар миқдори бўйича Чора-тадбирлар”нинг 2.1 бандига биноан “O‘zenergositish” АЖ фаолиятини йўлга қўйиш (қувватни ростлаш хизмати, бухгалтерия 1С дастурий таъминоти, консультант хизматлари ва халқаро экспертларни жалб этиш ишлари, электр энергиясининг савдо операциялари учун мўлжалланган савдо платформасини яратиш, савдо платформасини ўрнатиш, сервер қурилмаларини харид қилиш ва ўрнатиш ишлари, марказий аппаратга юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш ва бошқа операцион харажатлар) учун жами 797,0 минг АҚШ доллари миқдорида маблағлар ажратилиши кўзда тутилган.

Ўз навбатида, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги “Яшил” иқтисодиёт лойиҳалари маркази тарафидан ушбу маблағларни ўтказиб беришдан олдин, уларнинг мақсадли йўналтирилиши бўйича шартномаларни тақдим этиш талаби қўйилмоқда. Бунда, кўрсатиб ўтиш жоизки, Жамиятнинг амалдаги соф активлари миқдори нисбатан кичик суммани ташкил этганлиги сабабли ICRAFT лойиҳаси бўйича тегишли ишларни амалга ошириш учун “O‘zenergositish” АЖ томонидан тузиладиган шартномалар ҳам йирик битим таснифига тушиб қолмоқда.

Шунга кўра ҳамда амалдаги қонунчилик талабларини бажариш мақсадида “O‘zenergositish” АЖ фаолиятини йўлга қўйиш учун жой олиш бўйича Жамият Бизнес режасининг харажатлар сметаси доирасида ижара шартномасини тузишга, 5 та хизмат автомобилни ўрнатилган тартибда Жамиятнинг ўз маблағлари ёки кредит орқали харид қилишга ва ICRAFT лойиҳаси бўйича “O‘zenergositish” АЖ тарафидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан шартномалар тузиш бўйича Жамият Ягона акциядорининг розилиги талаб этилади.

Бу борада “O‘zenergositish” АЖ Кузатув кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги қарори билан корхона учун бошқа манзилдан ижарага жой олиш бўйича Жамият Бизнес режасининг харажатлар сметаси доирасида ижара шартномасини тузишга, 5 та хизмат автомобилларини ўз маблағлари ёки кредит орқали харид қилишга ҳамда ICRAFT лойиҳаси бўйича “O‘zenergositish” АЖ тарафидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда шартномалар тузишга розилик бериш масаласини Жамиятнинг Ягона акциядорига киритиш бўйича қарор қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59- ва 84-моддаларига мувофиқ “O‘zenergositish” АЖнинг Ягона таъсисчиси **қарор қилади:**

1. “O‘zenergositish” АЖга юклатилган вазифаларни бажариш ва Жамиятнинг тўлақонли фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида корхона учун бошқа манзилдан ижарага жой олиш бўйича Жамият Бизнес режасининг харажатлар сметаси доирасида ижара шартномасини тузишга, 5 та хизмат автомобилни ўрнатилган тартибда Жамиятнинг ўз маблағлари ёки кредит орқали харид қилишга ҳамда ICRAFT лойиҳаси бўйича “O‘zenergositish” АЖ тарафидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда шартномалар тузишга розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодиёт ва молия вазирининг  
ўринбосари

 Х. Мустафаев